

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРОВА ШАҲНОЗА ҲИКМАТУЛЛАЕВНА

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИ
ЛЕКСИКАСИНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02–Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Акбарова Шахноза Хикматуллавена

Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш

методикаси..... 5

Акбарова Шахноза Хикматуллавена

Методика обучения английской лексике

детей дошкольного возраста..... 26

Akbarova Shakhnoza Hikmatullaevna

Methodology of teaching english lexis to preschoolers..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРОВА ШАҲНОЗА ҲИКМАТУЛЛАЕВНА

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИ
ЛЕКСИКАСИНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02–Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped244 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухитдинова Хадича Собировна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий тақризчилар:

Қодирова Фотима Рашидовна
педагогика фанлари доктори, профессор
Тажибасев Гайратжон Шовдорович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори,
(Phd).

Етакчи ташкилот:

**Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика
институтини**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил « ____ » _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92 email: uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил « ____ » _____ да тарқатилди.

(2020 йил « ____ » _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси)

Г.Х.Бакиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси фил.ф.д., профессор

Х.Б.Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, фил.ф.д., доцент

Л.Т. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жадал суръатлар билан ривожланаётган интеграциялашув жараёни ва халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳамкорлиги чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж ва интилишни янада кучайтирди. Ривожланган мамлакатлар таълим соҳаси амалиётида хорижий тилларни ўрганишни кичик ёшдан бошлаш лингвопсихологик жиҳатдан мақсадли ҳисобланиб, хусусан, Корея, Япония, Хитой каби мамлакатлар тажрибасида мактабгача таълим муассасаларида болаларга таълим ва тарбия беришнинг энг оптимал усуллари йўлга қўйилган. Дунёда олиб борилаётган илмий изланишларда болаларни мактабга сифатли тайёрлаш учун таълим дастурлари, инновацион педагогик технологияларни қўллаш методикасини такомиллаштириш, хорижий тилни ўргатиш мазмунини модернизациялаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида чет тилларини болаларга уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб ўргатишни ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Испаниядаги Мурсия университетида мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини қўшиқлар ва эртаклар асосида ўргатиш, Грециядаги Айёнина университетида ахборот технологиялари воситасида, Эрондаги Исламик Азад университетларида рақамли ўйинлардан фойдаланиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, ушбу хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ҳамкорлик тадқиқотларини олиб бориш заруриятга айланганини изоҳлайди.

Республикамиз таълим тизимида ўтказилган туб ислохотлар: чет тилларини биринчи синфдан бошлаб узлуксиз ўқитишнинг йўлга қўйилиши, Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши, мактабгача таълим ташкилотлари моддий-техник ва ўқув-услубий таъминотининг мустаҳкамланиши, мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш¹, “Илк қадам” таянч дастури ва шу каби қатор меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг яратилиши мактабгача таълим соҳасини тўлиқ модернизацияланишига олиб келди. Бу мактабгача таълим ташкилотлари учун чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўргатишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, методик қўлланмалар яратиш каби вазифаларни белгилаб берди. Бунда мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатишга йўналтирилган, инглиз тили лексикасини шеър, қўшиқ, ўйин, эртак, мультимедиа орқали ўргатиш методикасини такомиллаштириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон Қарори. // www.lex.uz.

мактабгача ёшдан чет тилларни пухта ўзлаштиришлари учун пойдевор яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 29 декабрдаги «2017 – 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сон, 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3261-сон, 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 3305-сон қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача ёшдаги болаларга тилларни ўқитиш методикаси бўйича Г.Махкамова, Ф.Қодирова, О.В.Коряковцева, Н.В.Титаренко, А.В.Жукова, Ю.Б.Юдовина, В.В.Хвойнова, А.Н.Утехина, И.В.Вронская, Н.А.Онищикларнинг тадқиқот ишлари мавжуд².

Чет тилини ўқитиш методикаси масалалари билан Ж.Жалолов, Л.Илиева, М.Абдуллаева, Ў.Ҳошимов, Г.Собирова, Г.Тажибаевлар шуғулланганлар³.

² Махкамова Г.Т. Формирование навыков и умений устной иноязычной речи у дошкольников: Дис...канд. пед. наук. – Т., 2004. – 238б.; Қодирова Ф.Р. Болаларга чет тилини ўқитиш назарияси ва методикаси. – Т., 2009. – 251 б.; Коряковцева О.В. Методика обучения английскому языку детей дошкольного возраста. Дисс...канд.пед.наук. – Москва. 2010. – 233 с.; Титаренко Н.В. Методика организации ролевых игр проблемной направленности при дистанционном обучении иностранным языкам. Дисс. ...канд.пед.наук. – Москва. 2007. – 258 с.; Жукова А. В. Речевое развитие детей дошкольного возраста в условиях специализированного обучения иностранному языку. Дисс. ...канд.пед.наук. – Ижевск. 2006. – 158 с.; Юдовина Ю.Б. Развитие интеллектуальных способностей ребёнка дошкольного возраста при овладении английским языком в процессе игровой речевой деятельности. Дисс. ...канд.псих.наук. – Санкт-Петербург. 2000. – 228 с. Хвойнова В.В. Формирование познавательного интереса детей старшего дошкольного возраста к английскому языку в процессе игровой деятельности. Дисс. ...канд.пед.наук. – Якутск. 2010. – 248 с.; Утехина А.Н. Иностранный язык в дошкольном возрасте: Теория и практика. – М.; Флинта, Наука. 2017. – 184 с.; Вронская И.В. Методика раннего обучения английскому языку. – Санкт-Петербург: КАРО, 2015. – 336 с.; Онищик Н.А. Успешное обучение английскому языку детей 3-7 лет: учебно-методическое пособие. - Санкт-Петербург: КАРО, 2013. – 320 с.;

³ Жалолов Ж. Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – 429 б.; Илиева Л.К. Чет тили таълимида изчилликни таъминлашнинг лингводидактик асослари. Дис...канд. пед. наук. – Т., 2007. – 150 б.; Абдуллаева М.А. Коммуникативная методика обучения иноязычной грамматике на начальном этапе языкового факультета (на материале present continuous, present perfect английского глагола). Дис...канд. пед. наук. – Худжан, 2004. – 189 б.; Ҳошимов Ў., Ёкубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Т.: Шарқ, 2003. –

Хорижий тиллар лексикасини ўргатиш бўйича эса: М.Джусупов, М.Чориев, В.И.Нормуратова, М.Назарова, Н.Бабаниязова, С.Назарова, Ш.Бутаевлар тадқиқот ишлари олиб борганлар⁴.

Мактабгача ёшдаги болалар учун инглиз тилидан лексик минимумни ажратиш тамойилларини аниқлаш ва уни ўргатиш методикасини такомиллаштириш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишнинг лингвопсихологик хусусиятларини ўрганиш;

мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатишнинг мавжуд ҳолати ва дастурий таъминотини таҳлил қилиш;

мактабгача таълим ташкилотларида 5-6 ёшдаги болаларга инглиз тилини ўргатиш қийинчиликлари, имкониятлари ва фаол лексик минимумни ажратиш тамойилларини аниқлаш;

мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини шеър, қўшиқ ва эртақлар воситасида кўргазмалилик, мультимедиа ва ўйин технологияларидан фойдаланиб ўргатишнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш бўйича ишлаб чиқилган дидактик таъминотни мактабгача таълим ташкилотларида тажриба-синовдан ўтказиш ва самарадорлик натижаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти мактабгача таълим ташкилотларида 5-6 ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш жараёнидан иборат.

301 б.; Сабирова Г.С. Методика обучения местоимениям английского языка учащихся общеобразовательных школ на основе информационных технологий. Дис...докт.философии по пед. наук. – Т., 2017. – 203 б.; Тажибаев Г.Ш. Бошланғич синф ўқувчиларига чети тил ўқитишда коммуникатив ёндашув. Дисс. ...пед. фан. бўйича фалсафа . докт. – Т., 2018. - 150 б.

⁴Джусупов М.Д., Алибекова К.Е., Шажитаева Ш. Специальная лексика и пословицы (лингвоконтрастивные и методические аспекты). – Т.: Мериюс, 2013. – 138 б.; Чориев М. Инглиз тили лексикасига ўргатишнинг лингводидактик ва инженер лингвистик асослари. Дис...канд. пед. наук. – Қарши, 1999.; Нормуратова В.И. Формирование рецептивных лексических навыков у студентов-юристов. Дис...канд. пед. наук. – Т., 2008. – 198 б.; Назарова М.А. Совершенствование обучения студентов лексической полисемии при чтении текстов на английском языке. Дис...докт.философии по пед. наук.– Т., 2018. – 200 б.; Бабаниязова Н.П. Модульная технология обучения глагольной лексике английского языка учащихся уровня В1 республики Каракалпакистан. Дис...докт.философии по пед. наук.– Т., 2018. – 244 с.; Назарова С. Совершенствование иноязычной лексической компетенции студентов при обучении китайскому языку. Дис...докт.философии по пед. наук.– Т., 2018. – 153 с.; Бутаев Ш.Т. Академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда лингвистик лўғатлардан фойдаланиш методикаси (инглиз тили мисолида). Дисс. ... пед. фан. бўйича фалсафа. докт. – Т., 2018. – 137 б.;

Тадқиқотнинг предметини мактабгача таълим ташкилотларида 5-6 ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш мазмуни, шакли ва усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи: назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш), диагностик (сўровлар, суҳбат, сўровнома, кузатиш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болаларнинг чет тилини осон ўзлаштиришида импринтинг, сензитив, мотивацион ва имитацион хусусиятлари асос бўлиши лингвопсихологик ёндашув бўйича исботланган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг инглиз тилидаги сўзларни талаффуз қилишида учрайдиган монофтонг, дифтонг, трифтонгларнинг артикуляцион қийинчиликларини имитатив ва анализ методлари орқали аниқлашнинг лингводидактик типологияси таклиф қилинган;

умумий муҳим компетенциялар асосида мактабгача ёшдаги болаларга она тили лексик захирасига таянган ҳолатда мавзувийлик, визуаллик ва кўп ишлатилиши бўйича танланган инглиз тили фаол лексик минимуми таклиф этилган;

мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили фаол ва нофаол лексикасини ўргатишнинг методик таъминоти шеър, қўшиқ ва эртаклар воситасида ҳамда ҳаракатли, дидактик, ролли, имитацион ўйин технологияси интеграцияси асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

боғча ёшидаги болалар, ота-оналар ҳамда мураббийлар учун “*Bolajonlar uchun ingliz tili*” қўлланмаси нашр этилган;

мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини шеърлар, қўшиқлар, эртаклар воситасида ўргатишга йўналтирилган машқлар ва топшириқлар туркуми ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини кўргазмалилик ва мультимедиа воситалари асосида ўргатишнинг методик ва дидактик таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш бўйича ишлаб чиқилган методик ва дидактик таъминот, фаол лексик минимум, дастур ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик таҳлил воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш ҳамда чет тилларини осон ўзлаштиришнинг илмий-назарий асослари такомиллаштирилгани ва мактабгача ёшдаги болаларга фаол лексик минимум ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот иши жараёнида кичик ёшдаги болаларнинг инглиз тилидаги луғат захирасини кўшиқ, шеър, эртаклар воситасида ўстириш бўйича ишлаб чиқилган дидактик таъминотдан мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари учун методик қўлланмалар яратишда, шунингдек, мактабгача таълим соҳаси учун инглиз тилидан педагогларни тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш методикаси бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий тавсиялар асосида:

мактабгача ёшдаги болаларнинг чет тилини осон ўзлаштиришида импринтинг, сензитив, мотивацион ва имитацион хусусиятлари асос бўлиши лингвопсихологик ёндашувга оид хулосаларидан 03-6-194-сонли мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва мутахассисларининг малакасини ошириш йўналишининг 3.2. Инглиз тили амалий курси модулини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 03-01/1-4165-сонли маълумотномаси). Натижада боғча ёшидаги болалар, ота-оналар ҳамда мураббийлар учун “*Bolajonlar uchun ingliz tili*” қўлланмаси нашр этилган, тадқиқот материаллари 3.2. Инглиз тили амалий курси модулининг такомиллашувига хизмат қилган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг инглиз тилидаги сўзларни талаффуз қилишида учрайдиган монофтонг, дифтонг, трифтонгларнинг артикуляцион қийинчиликларини имитатив ва анализ методлари орқали аниқлаш асосида лингводидактик типологиясига асосланган хулосаларидан 03-6-194-сонли мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва мутахассисларининг малакасини ошириш йўналишининг 3.2. Инглиз тили амалий курси модулини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 03-01/1-4165-сонли маълумотномаси). Натижада, боғча ёшидаги болалар, ота-оналар ҳамда мураббийлар учун “*Bolajonlar uchun ingliz tili*” қўлланмаси нашр этилган ва 3.2. Инглиз тили амалий курси модули такомиллашувига хизмат қилган;

умумий муҳим компетенциялар асосида мактабгача ёшдаги болаларга она тили лексик захирасига таянган ҳолатда, мавзувийлик, визуаллик ва кўп ишлатилиши бўйича инглиз тили фаол лексик минимуми ишлаб чиқилган, инглиз тили фаол лексик минимумидан кичик ёшдаги болалар учун инглизча-ўзбекча-русча расмий луғат ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инглизча-ўзбекча-русча болажонлар учун луғат. – Тошкент: Дизайн-пресс,

2019. – 60 б.). Натижада, мазкур луғат кичик ёшдаги болаларга инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги сўзларни ўргатишга хизмат қилган;

мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили фаол ва нофаол лексикасини шеър, кўшиқ ва эртақлар воситасида ҳаракатли, дидактик, ролли, имитацион ўйин технологияси интеграциясига асосланган хулосаларидан кичик ёшдаги болалар учун инглизча-ўзбекча-русча расмли луғат ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инглизча-ўзбекча-русча болажонлар учун луғат. – Тошкент: Дизайн-пресс, 2019. – 60 б.). Натижада, мазкур луғат кичик ёшдаги болаларга инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги сўзларни ўргатишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий атестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар қисмларидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 165 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мактабгача ёшдаги болаларга хорижий тилларни ўргатишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда мактабгача ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишнинг лингвопсихологик хусусиятлари, инглиз тилидан фаол лексик минимумни танлаш ва тақсимлаш тамойиллари ёритилган.

Мактабгача таълим ташкилоти таълим-тарбия ишларининг дастлабки бўғини бўлиб, боланинг илк нутқий кўникмалари шу босқичдан шакллана бошлайди ва болалар онги, тафаккури, характер ва қизиқишларининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Мутахассисларнинг кузатишларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган бошланғич ахборот манбасининг 70-80 фоизини 5-7 ёшгача бўлган даврида олар экан. Ҳақиқатан ҳам, ниҳоятда серқирра ва фаол ҳисобланувчи мактабгача ёшидаги даврда бола ҳам жисмоний жиҳатдан, ҳам руҳий жиҳатдан тараққиётнинг яна бир

поғонасига кўтариледи. Психологлар томонидан айнан шу даврдаги бола руҳиятининг ривожланиши муаммолари кенг ўрганилган бўлиб, жумладан, Л.С. Виготскийнинг онгнинг тизимли ва маъноли тузилиши ҳамда унинг онтогенезда ривожланиши ҳақидаги фарази боланинг руҳий ривожланишида таълимнинг таъсири тўғрисидаги масалага сезиларли ҳисса қўшган. Унинг фикрича, онгга фақат нутқ орқали кириш имкони мавжуд ва онгнинг бир тузилмасидан бошқасига ўтиш сўз (ёки сўзлар йиғиндиси) маъносининг ривожланиши туфайли амалга ошади⁵.

Дарҳақиқат, тил – болалар тафаккурининг ривожланишига кучли таъсир этувчи восита бўлиб, боланинг ҳар бир ўрганган сўзи тагида муайян тушунча ётади. Ўзи учун янги бўлган бу олам билан муомала қилишда нутқни ўрганаётган болада юзага кела бошлайдиган мотивация ва интеллектуал ҳиссиётлар болалар тафаккурининг ўсишида катта аҳамиятга эга. Нутқ инсон бош миясининг муайян соҳалари фаолияти бўлиб, бу жараён турли сенсор ва мотор реакциялари билан биргаликда кечади. Шу боис нутққа ўргатишда сенсор каналлар ва моторикани мукаммаллаштиришга оид махсус машқлар ғоят муҳим. Демак, онгга нафақат нутқ орқали, балки сенсор туйғуларни ривожлантириш, яъни кўриб, эшитиб, ушлаб, ҳидлаб, таъмини татиб кўриш ва имо-ишоралар ёрдамида ҳам таъсир этиш мумкин. Шунингдек, барча сезги аъзоларидан келадиган импульслар айнан ҳаракатланиш соҳасида бирлашгани боис, мушак туйғуларини машқ қилдиришга ҳам эътибор бериш керак бўлади. И.М.Сеченов мушак туйғулари барча туйғуларга таъсир қилиши ва уларни кучайтиришини таъкидлаган эди⁶. Дарҳақиқат, боланинг ўйиндаги фаоллиги нутқнинг ўсишига қўмаклашади.

Хорижий тилларни ўрганиш ҳам боланинг умумий руҳий ривожланишига самарали таъсир кўрсатувчи воситалардан бири бўлиб, Н.А.Тарасюкнинг фикрича, “Тилда мулоқот қилиш ва нутқий фаолият орқали бола ривожланади, тарбияланади, оламни ва ўзини танийди, хусусан, хорижий таълим жараёни болага бериши мумкин бўлган ўша барча маънавий бойликни эгаллайди”⁷. Чет тилларни ўрганишнинг энг мақбул ва осон ўзлаштириш даври мактабгача бўлган давр бўлиб, кичик ёшдаги болаларда тил эгаллашнинг ўзига хослигини туғма қобилият дейиш мумкин. Тадқиқот ишида кичик ёшдаги болаларга хос психофизиологик хусусиятларни ўрганиб чиқиш жараёнида қуйидаги лингвопсихологик хусусиятлар чет тилларни ўргатишда алоҳида аҳамиятга эгаллиги аниқланди:

1. Ўзга тилдаги мавжуд товушларни аниқ қабул қилиш ва талаффуз қилиш қобилияти бола улғайган сари сустлашиб боради. Бу болаларга кичик ёшидан тилларни ўргатиш самарали бўлишини асослайди.

⁵ Виготский Л. С. Психология развития как феномен культуры / Под ред. М.Г. Ярошевского. – М.: Институт практической психологии; Воронеж: НПО “МОДЭК”, 1996. – 512 с.

⁶ Сеченов И.М. Кому и как разрабатывать психологию // Сеченов И.М. Элементы мысли. СПб. – М. – Харьков – Минск, 2001. – С. 118 – 208.


⁷ Тарасюк Н. А. Обучение иностранному языку дошкольников: вопросы теории и практики (на примере английского языка): учебное пособие. – Курск: Изд-во Курск. ун-та, 2003. – 164 с.

2. Болаларда тақлидчанлик хусусияти кучли бўлгани боис улар атрофдаги нутқий мулоқотни осон ўзлаштирадилар. Демак, чет тилини ўрганишда тақлиддан фойдаланиш самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

3. Болаларда ҳар бир нарсага қизиқиш (масалан, янги ўйинчоқларга, воқеаларга, предметларга) хусусияти кучли бўлади. Янги нарсаларнинг номини эслаб қолиш истаги болада ички туртки бўлиб, нутққа мойилликни юзага келтиради. Чет тилини ўрганишда айнан шу хусусиятдан самарали фойдаланиш керак.

4. Болалар нарсаларни ўз кўллари билан ушлаш, ялаш, еб кўриш орқали хиссиётларига боғлаб қабул қиладилар (катталар, одатда, бундан тортинадилар). Бу болаларда барча анализаторларнинг мунтазам фаолият юритишига иштирок этишига ва нутқни тез эгаллай бошлашига ёрдам беради.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, чет тилларини ўрганишда қуйидаги лингвопсихологик хусусиятлар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин (1-расмга қаранг):



1-расм. Чет тилларини ўрганишнинг лингвопсихологик хусусиятлари

Она тилини эгаллашда табиий равишда кечадиган ушбу жараёнларни иккинчи тил таълимида нутққа томон йўналтириб туриш керак бўлади. Шунини қайд этиш керакки, кўп ҳолларда чет тилини ўргатиш она тилида шаклланган нутқ устига қурилади. Агар боланинг она тилидаги нутқи яхши шаклланган бўлса, унинг иккинчи тилдаги сўзларни ўзлаштириши нисбатан осон кечади.

Лингводидактик қонуниятга биноан чет тили лексикасига ўргатишдан аввал лексик минимумни белгилаб олиш лозим. Лексик минимум – таълим олувчининг маълум ўқув даври оралиғида ўзлаштириши керак бўладиган лексик бирликлари мажмуаси бўлиб, унинг миқдори ва таркиби ўқитиш мақсадлари, тил ўргатиш учун ажратилган ҳамда ўқув соатлари миқдорига

боғлиқ ҳолда танлаб олинади⁸. Бу борада кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, қуйидаги жадвалда уларда қайд этилган лексик минимумга ажратиш тамойиллари келтириб ўтилган (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Лексик минимумни танлаш тамойиллари

№	Тадқиқотчилар	Тамойиллар мазмуни
1.	В.А.Бухбиндер, М.Чориев	Лексик бирликларни мавзу йўналишлари асосида ажратиш; ўзлаштиришнинг психологик жиҳатларини эътиборга олиш; чет тили таълимнинг психологик ва дидактик қонуниятларига риоя қилиш; ўқувчиларнинг потенциал ва реал луғат бойлигини бир-бири билан боғлиқ ҳолда шакллантириш; лексик минимумни рационал чеклаш асосида танлаш [147; 36,37- б.]
2.	Н.Д.Гальскова, Н.И.Гез	Мувофиқлаштириш тамойили асосида; стилистик жиҳатдан чегараланмаганлигига кўра; маъносини очиш; сўзни ташкилий қимматига кўра ва мустақил равишда маъносини англаш; сўз маъноларини фарқлаш; нутқда етакчи ўрин тутадиган сўзларни танлаш; сўзларни кўп ишлатилишига кўра танлаш [72]
3.	Г.Раҳмонов, М.Каримова	Мавзувийлик тамойилига кўра; кўп ишлатилиш даражасига кўра; тил интерференциясига биноан хатоларни олдиндан кўра билиш асосида; семантик жиҳатдан; мувофиқлик тамойилига кўра; стилистик жиҳатдан чегараланмаганлик асосида; сўз ясалишига кўра танлаш [48]
4.	Ф.Р.Қодирова	Ҳар бир ёш давлари учун сўзнинг амалий қимматига кўра; сўзнинг оғзаки нутқда, матнда фаол қўлланилишига кўра; товуш таркибидан келиб чиқиб, сўздан фойдаланиш имкониятига кўра танлаш [140; 62-б.]

Илмий-назарий қарашларни ва кичик ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишлари натижасида биз мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексик минимумини қуйидаги тамойиллар асосида танлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик:

- она тилидаги сўз бойлигига таяниш, яъни бола неча ёшида она тилида қайси сўзларни билиши доираси асосида танлаш;

- мавзувийлик тамойили асосида танлаш, яъни бирор мавзуда суҳбатлашганда ушбу сўзлар, албатта, ишлатилиши шартлигидан келиб чиқиб танлаш;

⁸ Азимов Е.Г., Шукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: ИКАР, 2009. – 448С.

- қўлланилиш даражаси, яъни кўп ишлатилишига кўра танлаш, (кўшиқ, шеър, эртак ва мультфильмларнинг контекстида кўп учрайдиган сўзлар асосида);

- визуаллик даражасига кўра, яъни семантик англашини таъминлаш мақсадида сўзнинг кўрғазмали кўриниши мавжудлигига асосланиб танлаш.

Тадқиқотимиз давомидаги таҳлиллар мактабгача таълим ташкилотларида 5-6 ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини ўргатишда қуйидаги қийинчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

- давлат тасарруфидаги МТТларда гуруҳларда болалар сони кўп ҳолларда 28-30 тани ташкил этиши, яъни меъёрдан ортиқлиги болалар билан индивидуал ишлаш имконини бермайди;

- педагогларнинг айнан кичик ёшдаги болалар билан ишлаш малакасига эга эмаслиги, болалар психологиясини яхши билмаслиги таълим-тарбия уйғунлиги ва сифатининг таъминланишига монелик қилмоқда;

- мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўргатиш бўйича ўқув-услубий дидактик таъминотнинг етарли эмаслиги, педагогларнинг турли ўқув материалларидан фойдаланиб келаётганлиги таълим сифати ва самарадорлигининг пасайиб кетишига олиб келмоқда.

Мактабгача таълим ташкилотларида амалдаги дастурлар таҳлилга тортилганда, шу нарса маълум бўлдики, “Болажон” дастурида ойма-ой мавзулар тақвими берилмаган, аммо қайси мавзу асосида билимга эга бўлиш ва уни англаш тўғрисида маълумот мавжуд бўлиб, болаларнинг ёши ва гуруҳлари доирасида тақсимланган. “Илк қадам” дастурида эса барча гуруҳ болалари учун бир хил, умумий, ойлик мавзу белгиланиб, ҳафталик мавзулар, ёш гуруҳлари доирасида кичик мавзулар ажратилган, аммо лексик минимумга бўлингани берилмаган. З.Т.Ризакулова томонидан ишлаб чиқилган “Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш дастури”да эса мавзулар умумий мактабгача таълим ташкилотлари учун мўлжалланган. Мавзулар ва лексик минимум болалар ёшига мослаб ва гуруҳлар бўйича бўлиб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида 5-6 ёшдаги болаларга биз таклиф этаётган мавзулар қиёсий таҳлил қилинди, шунингдек, “Илк қадам”, “Болажон” дастурлари ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар 5-6 ёшдаги болаларнинг инглиз тилидаги лексик минимумини умумий муҳим компетенциялардан келиб чиқиб ва мавзувийлик, визуаллик, фаоллик ҳамда она тили лексик захирасига таяниш асосида ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

Тавсия этилаётган мавзулар асосида шакллантириладиган лексик минимум ва умумий муҳим компетенциялар

Мавзулар номлари	Мавзу доирасида қўлланадиган фаол лексик минимум	Шаклланадиган компетенция
Мен ва менинг оилам	Good morning, hello, name, good bye	Ижтимоий компетенция

	Father, mother, sister, brother, baby, grandfather, grandmother	Билиш компетенцияси
Ранг ва сабзавотлар	Red, yellow, pink, blue, white, black, brown, violet, grey, green	Билиш компетенцияси
	Carrot, cabbage, turnip, onion, cucumber, tomato, potato.	
Транспорт ва йўл харакати қоидалари	Car, bus, air-plane, helicopter, ship, bicycle, lorry, train	Билиш компетенцияси
	Run, go, jump, clap, dance, play, stop	Коммуникатив компетенция
Кийим-кечакларим	Trousers, shirt, skirt, suit, dress, blouse, tights, hat, cap, shoes, boots, jacket	Билиш компетенцияси
	Triangle, square, circle	
Ўйинчоқларим ва тана аъзоларим	Ball, baloon, teddy-bear, doll, toy-car, train, plane, drum, kite	Ўйин компетенцияси
	Face, nose, mouth, ears, head, face, eyes, lips, teeth, hand, knees, foot, fingers, toes	Билиш компетенцияси
Уй ҳайвонлари	Hare, dog, cow, horse, cat, sheep, pig, goat, chicken, hen, duck, cock, bird, mouse	Билиш компетенцияси
	One, two, three, four, five, six, seven, eight, ten.	
Мевалар	Apple, pear, cherry, lemon, orange, banana, plum, apricot, peach, grapes	Билиш компетенцияси
	Big, hot, cold, little, sweet, yukky.	
Ёввойи ҳайвонлар	Lion, tiger, bear, fox, wolf, giraffe, elephant, crocodile, monkey, kangaroo, zebra, camel, snake, fish	Билиш компетенцияси
	Butterfly, ant	
Идиш-товоқлар	Spoon, fork, cup, plate, pot	Билиш компетенцияси
	Bread, pie, cake, bun	

Мактабгача ёшдаги бола хорижий тилни эшитишга одатланмагани, атрофида шу тил муҳити йўқлиги боис интерференцияни енгиб ўтиш ҳамда сўзларнинг тўғри талаффузини таъминлаш учун машғулотларда кўпроқ тинглаш ва тақлид қилиш машқларидан фойдаланиш керак бўлади. Хусусан, мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўргатишда? аввало, инглизча сўзлар товуш кодида учрайдиган монофтонг, дифтонг, трифтонглар билан боғлиқ талаффуз қийинчиликларбни аниқлаштириш керак бўлади (3-жадвалга қаранг):

Мактабгача ёшдаги болаларнинг инглиз тилидаги нутқида учрайдиган талаффуз қийинчиликлари

Фонемалар	Товушнинг инглиз тилидаги артикуляцияси	Товушнинг ўзбек тилидаги артикуляцияси	Инглиз тилида мисол	Ўзбек тилида мисол
Унлилар	[ɔ:] тил орқасида талаффуз қилинади	тил олдида талаффуз қилинади	Ball	ўт
Ундошлар	[t], [d] тиш орти бўртмасига тегиб талаффуз қилинади	тишга тегиб талаффуз қилинади	teddy, dog	тепалик, дарахт
	th [θ] тиш орасидан тилни чиқазиб талаффуз қилинади	[c] товушига яқин	teeth, three	сарик
	w [uv] ҳарфи унли ҳарф билан сўз охирида келганда [ou], [au] товушларини беради, оғизни чўччайтириб талаффуз қилинади	[y], [v] товушларига яқин	Cow	Ойсулув, палов.
Монофтонглар	Ir, er, ur, [ə:] бўғиздан келади Oe [ou]	тил олдида талаффуз	bird, shirt, rooster, butterfly, purple, turnip, toes	ўрдак, эшик -
Дифтонглар	Ear [iə], [εə]	тил орқасида талаффуз қилинади	Bear	-
Трифтонглар	Our [auə:], fire[faiə]	[ay], [av] товушларига яқин	our, fire	-

Хулоса қилиб айтганда, кичик ёшдаги болаларга чет тилларбни ўргатишда луғат устида махсус ишлаш катта аҳамиятга эга. Илмий-методик ва психологик адабиётларни ўрганиб чиқиш мактабгача ёшдаги болалар лексикани тез ўзлаштириш қобилиятига эгаллигини кўрсатади. Мактабгача ёш хорижий тилни эгаллаш учун энг ноёб давр, шу боис бундан самарали фойдаланиш даркор. Болалар асосий лексик материални боғчада ўрганиб олсалар, мактабга муайян кўникмаларни эгаллаган тарзда ўқиш ва ёзишга тайёр ҳолда келадилар.

Диссертациянинг “**Мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тили лексикасини ўргатиш**” деб номланган иккинчи бобида кичик ёшдаги болаларга инглиз тили ўргатишни самарали ташкил этиш йўллари, 5-6 ёшли болалар учун инглиз тилидан тавсия этилган лексик минимумни шеър, қўшиқ, эртаклар асосида кўргазмалилик, ўйинлар ва визуал воситалардан фойдаланиб фаоллаштиришга доир методик таъминот ишлаб чиқилди.

Болалар луғат бойлигини ўстиришда **шеърларнинг** аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, чет тилидаги сўзлар билан дастлабки танишув ҳам, одатда, қофиядош сўзлардан иборат кичик ҳажмдаги шеърларни ёд олдириш орқали амалга оширилади. Қофияли сўзлар декламацияси фонетик машқ сифатида талаффузни яхшилашга хизмат қилиши билан бирга, янги сўзларни эслаб қолиш, луғат бойлигини оширишга ҳам катта ёрдам беради. Масалан:

Moо cow, moо cow Very well, thank you,
How do you do cow? Moо, moо, moо.

Болаларга шеърларни, айниқса, **қўшиқ** орқали ёдлатиш ниҳоятда самарали бўлиб, қўшиқни қайта-қайта тинглаш ва биргаликда куйлаш тил кўникмаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Қўшиқларни болаларга куйидаги босқичлар орқали ўргатиш самарали кечади:

1. Тайёргарлик босқичи. Бунда болалар қўшиқни эшиттиришдан олдин ундаги асосий сўзлар билан таништирилади. Тингланаётган қўшиқ шунчаки ритмли товушлар йиғиндиси эмас, балки тушунарли, таниш матн сифатида қабул қилиниши керак. Бу болаларга қўшиқни таниш сўзлар ва тушунчалар ёрдамида тинглаш орқали чет тилидаги нутқни тезроқ идрок этишларига ёрдам беради.

2. Қўшиқни тинглаш босқичи. Мазкур босқичда болалар товушларни узунлиги, баландлиги, динамикасига кўра фарқлашни ўрганадилар. Бу болаларда тинглаб тушуниш кўникмасининг ривожланишига ва уларнинг фонематик эшитиш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради. Болалар мусиқий товушларнинг яқинроқлари орасидан узоқроқларини, заифроқлари орасидан анча кучлироқларини ажрата билишни ўргангач, фонемаларни осонроқ фарқлай бошлайдилар. Бу болада имитация қобилияти ва фонематик тинглай билиш, эшитиш хотирасининг ривожланишига олиб келади.

3. Қўшиқни куйлаш босқичи. Ушбу босқич нутқ аъзоларининг тўғри ҳаракатланишини таъминлайди ва шу орқали артикуляцияни яхшилайти. Қўшиқларни ижро этишда товушлар ва сўзларни тўғри талаффуз этиш мустаҳкамланади. Куйлаш нутқнинг ифодалилигини тарбиялашга, қўшиқларда оҳангни тўғри танлашга кўмаклашади. Машғулотларда қўшиқлардан фойдаланиш боланинг луғат бойлигини ошириб, нутқини образли қилишга, боланинг ҳаракатланиш орқали фаоллашишига ҳам имкон беради, чунки қўшиқлар кўпинча ҳаракат, ўйин орқали ижро этилади. Болалар қўшиқ орқали маълум бир ҳаракатларни ҳам такрорлайдилар. Масалан:

Clap your hands – (Чапак чал)
Stamp your feet – (Оёқларинг билан ерни тақиллат)
Shout we are – (Бизлар деб қичқир).

Қўшиқни шу тарзда қайта-қайта ҳаракат билан такрорлаш, болаларга ҳаракат феълларини тез ва осон ўрганиб олишларига ёрдам беради. **Сўз – мусиқа – ҳаракат** хорижий тилни ўргатишда бир бутун яхлитликни ташкил этади. Сўзларни қўшиқ қилиб айтиш ва унинг оҳангига мос ҳолда

ҳаракатланиш боланинг гапириш ва тинглаб тушуниш қобилиятининг ривожланишига замин бўлиб хизмат қилади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, болаларга таълим беришда нафақат амалий, балки ривожлантирувчи вазифаларни ҳам кўзда тутиш лозим. Болаларнинг ёшига мос бадиий асарлар билан ишлаш ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, бу бола хотирасининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. К. Ahrens ва I. K. Ghosn, А. М. Арановской-Дубовиц, Ш. Бюлер, Л. С. Виготский, А. В. Запорожец, Н. С. Карпинской, К. Федершпил тадқиқотларида ҳам насрий асарлар орасида, айниқса, эртақлар болаларнинг ёш хусусиятларига энг мувофиқ келадиган ижод намунаси деб қайд қилинади. Эртақ хорижий тилни эгаллашга нисбатан мотивацияни пайдо қилишга катта ёрдам берувчи восита бўлиб, сўз бойлигини ошириш ва мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Тажрибаларимиз мактабгача ёшдаги болаларни инглиз тилига ўргатишда эртақлардан 5 ёшидан бошлаб фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Эртақ айтишнинг ҳам ўз техникаси мавжуд бўлиб, у оддий ифодали ўқиш (бир овозда), жонлантириб ўқиш (2 овозда), ролли ўқиш (кўп овозда), эртақни ижро этиш босқичларига бўлинади. Хусусан, эртақ мазмуни асосида ролли ўйин ташкил этиш ва турли мулоқот вазиятларида диалоглар қурилиши боланинг ҳам монологик боғланишли нутқини, ҳам диалогик нутқини ривожлантириб боришга шарт-шароит яратади.

Луғат устида ишлашда кўрғазмалиликдан унумли фойдаланиш ва ёрқин рангли расмлар, буюмлар ёрдамида болаларга янги сўзларни ўргатиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Мактабгача ёшда янги билимларни ўзлаштиришда болалар учун кўрғазмали таянч муҳим аҳамият касб этади. Методист олимлар фикрича, лексикани фаол эгаллаб олишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан сўз маъносини тушунишга, ушбу сўзлар ифодаладиган тушунча ва буюмлар билан танишишга боғлиқ⁹. Агар катта ёшдаги кишилар янги сўзларни оғзаки таржима ва тушунтириш орқали, ассоциациялар ҳамда образлар воситасида ўзлаштирадилар, болалар учун кўрғазмалилик, яъни реал объектлар борлиги муҳим. Айнан шеърлар, кўшиқлар, топишмоқлар мазмунига мос расмларни кўрсатиб ўргатиш уларнинг тез ўзлаштирилишига хизмат қилади. Таълим фаолиятида расмлар, аудио, видеолар, эртақлар ва бошқа дидактик материалларни қўллаш мактабгача ёшдаги болаларга тилларни ўргатишда нутқ фаолияти мотивациясининг ривожига кўмаклашади.

Машғулотларда кўрғазмалилик воситасида лексикани фаоллаштиришда босқичли кетма-кетликдан фойдаланиш мумкин. Тарбиячи болалар диққатини тортадиган расм, ўйинчоқ ёки мультимедиали лавҳани

⁹ Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларга иккинчи тилни ўргатиш методикаси. - Т.: Сано - Стандарт, 2004. - Б. 62

кўрсатиб, сўзнинг номини айтади. Болалар талаффузни жўрликда такрорлайдилар. Кейинги босқичда ўйинчоқ ёки расмни бериб, янги сўзни айтишга ундайди. Бу фаолият бир боладан иккинчисига занжир каби ўтаверади ва кадамба кадам ўстириб борган ҳолда амалга ошириб борилади. Педагог янги сўзни ўргатиш жараёнида, ҳар бир боланинг тўғри талаффуз қилишини ҳам кузатиб боради. Машқ якунида болалар ўзлаштирилган сўзларни жўрликда такрорлайдилар.

Кичик ёшдаги болаларнинг энг асосий фаолият тури **ўйин** бўлиб, у шу қадар универсал, шу қадар кўп қиррали ва қудратли фаолиятки, бу жараёнда боланинг барча психик жиҳатлари ва билиш фаолияти ривожланади. Ўйин болалар нутқининг ривожланиши ва бойишига ёрдам берувчи муҳим восита бўлиб, айниқса, сюжетли-ролли ўйинлар маълум бир мавзуга оид сўзларни ўзлаштириш ва ўз фикрини мустақил равишда баён этишга ўргатишда муҳим ўрин тутаяди. Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўргатишда сўз ўйинлари, дидактик, ҳаракатли, мусиқий, сюжетли-ролли, сахналаштирилган ўйинлардан фойдаланиш яхши самара беришини кўрсатади. Тадқиқот ишида кичик ёшдаги болаларга инглиз тилини “Мос келганини топ”, “Овоздан топ”, “Сехрли кўзгу”, “Сакровчилар”, “Think and say”, “Who is first”, “Шолғом”, “Уйча” каби ўйинлардан фойдаланишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилди. Қуйида мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилидаги шеър, кўшиқ ва эртакларни ҳаракатли, дидактик, ролли, имитацион ўйинлар асосида ўргатиш усуллари тавсия этилади (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал

